

«Қалби улфат қилинадиганлар» кимлар?



10:14 / 14.04.2025 1290

Таҳаллул тарафдорлари ақл манфаатли деб кўрсатган нарсани муқаддам қўяди. Улар ақл ҳақ ва тўғри деб кўрсатган нарсани шариатда ворид бўлган нарсалардан олдинроқ, устунроқ қўйишади. Масалан, Умар розияллоҳу анҳу очлик, қаҳатчилик йилида ўғрининг қўлини кесмай турганларини, «қалби улфат қилинадиганлар»га закот бермаганларини далил қилиб, «Мана шу ўринларда Умар розияллоҳу анҳу ўз фикри билан, манфаатли бўладиган нарсани ўйлаб, ўшани қилдилар, Қуръондаги ҳукмни тарк қилдилар. Бир кишининг қатлида иштирок этган бир қанча кишиларни қатл қилганлари ҳам бунга мисол бўлади», дейишади. Таҳаллулчилар мана шуни, яъни ақл манфаатли деб кўрсатган нарсани муқаддам қўйишни маҳкам тутишади. Уларнинг наздида шариатдаги ақлга хилоф келган ҳар қандай ҳукмнинг қиймати, аҳамияти йўқ.

Улар ўзларича бу даъволарига юқоридагига ўхшаб, саҳобалардан ворид бўлган ривоятларни далил қилишади. Бундай далилланишлари тўғрими? Ҳақиқатан ҳам Умар розияллоҳу анҳу Қуръондаги закот бериладиган саккиз ўриннинг бири – «қалби улфат қилинадиганлар»га закот бермай қўйганмилар? Йўқ, асло! У зотнинг замонларида «қалби улфат қилинадиганлар» деган таъбирга тўғри келадиган тоифалар бўлмаган. Масалан, мен сизга «Фалон маҳаллага бориб, у ердаги камбағалларга мана бу пулдан тарқатиб чиқинг», десам-у, сиз бориб қарасангиз, камбағаллар йўқ бўлса, лекин сиз шунда ҳам барибир ўша пулни тарқатаверсангиз, буйруғимга тескари иш қилган бўласиз, чунки у ерда камбағаллар йўқ-да!

Демак, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврида ҳам «қалби улфат қилинадиганлар» топилмаган. Шунинг учун уларга бермаганлар.

«Қалби улфат қилинадиганлар» кимлар ўзи? Улар – динга рағбатлантириш учун ёки диндан юз буриб кетмасин деб, пул бериладиган одамлар; ёки Исломни энди қабул қилганлар, динда мустаҳкам бўлсин деб закот бериладиганлар; кофирнинг зарарини даф қилиш, душманчилик кайфиятини йўқотиш учун закот бериладиган тоифалар. Мана шу уч хил тоифа «қалби улфат қилинадиганлар» ҳисобланади.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.